



РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ АСОСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

и.ф.д., доц. Саттаров Шухрат

Тошкент иқтисодиёт ва технологиялар университети

ORCID: 0009-0007-4492-4220

shuhrat.sattarov@uztitu.uz

Аннотация. Мазкур тадқиқотда хизмат кўрсатиш соҳасида рақамли ва инновацион технологияларни жорий этишнинг иқтисодий самарадорликка таъсири таҳлил қилинган. Тадқиқот иқтисодий-статистик ва таққослама таҳлил усуллари асосида миллий ва халқаро маълумотлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Таҳлил натижалари тарқамли технологиялар, хусусан сунъий интеллект, катта маълумотлар ва булутли технологияларни жорий этиш меҳнат унумдорлигини ошириш, транзакция харажатларини камайтириш ва хизматлар сифатини яхшилашга хизмат қилишини кўрсатди. Тадқиқот натижалари асосида хизматлар соҳасида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш соҳаси, рақамли трансформация, сунъий интеллект, Big Data, булутли технологиялар, рақобатбардошлик, самарадорлик.

ВОЗМОЖНОСТИ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ СФЕРЫ УСЛУГ НА ОСНОВЕ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ

д.э.н., доц. Саттаров Шухрат

Ташкентский университет экономики и технологий

Аннотация. В данной статье проанализировано влияние внедрения цифровых и инновационных технологий на экономическую эффективность сферы услуг. Исследование выполнено на основе экономико-статистических и сравнительных методов анализа с использованием национальных и международных данных. Результаты анализа показывают, что внедрение цифровых технологий, в частности искусственного интеллекта, больших данных и облачных технологий, способствует повышению производительности труда, снижению транзакционных издержек и улучшению качества услуг. На основе полученных результатов разработаны практические предложения и рекомендации, направленные на развитие цифровой экономики в сфере услуг.

Ключевые слова: цифровая экономика, сфера услуг, цифровая трансформация, искусственный интеллект, Big Data, облачные технологии, конкурентоспособность, эффективность.

OPPORTUNITIES FOR IMPROVING SERVICE SECTOR EFFICIENCY THROUGH DIGITAL TRANSFORMATION

DSc, assoc. prof. Sattarov Shuhrat
Tashkent University of Economics and Technologies

Abstract. *This study analyzes the impact of introducing digital and innovative technologies on the economic efficiency of the service sector. The research is conducted using economic-statistical and comparative analysis methods based on national and international data. The results demonstrate that the implementation of digital technologies, particularly artificial intelligence, big data, and cloud technologies, contributes to increasing labor productivity, reducing transaction costs, and improving service quality. Based on the findings, practical recommendations aimed at developing the digital economy in the service sector have been proposed.*

Keywords: *digital economy, service sector, digital transformation, artificial intelligence, big data, cloud technologies, competitiveness, efficiency.*

Кириш.

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида рақамли трансформация жараёни барча тармоқларни қамраб олмақда. Айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида рақамли ва инновацион технологияларни жорий этиш хўжалик юритувчи субъектлар самарадорлигини ошириш, хизматлар сифатини яхшилаш ва рақобатбардошликни таъминлашнинг ҳал қилувчи омилига айланмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг энг динамик ривожланаётган сегментларидан бири бўлиб, у аҳоли бандлигини таъминлаш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш ва ҳудудларни барқарор ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Шу нуқтаи назардан, хизматлар соҳасини рақамли технологиялар асосида ривожлантириш иқтисодий ўсишнинг стратегик йўналиши ҳисобланади.

Хусусан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида рақамли технологияларни ривожлантириш орқали мамлакатни минтақавий «IT-HUB»га айлантириш, электрон хизматлар, онлайн платформалар, сунъий интеллект ва рақамли сервисларни кенг жорий этиш устувор вазифа сифатида белгиланган (Фармон, 2023). Бу эса хизматлар соҳасини рақамлаштириш бўйича илмий тадқиқотларни чуқурлаштиришни тақозо этади.

Адабиётлар шарҳи.

Сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини рақамли ва инновацион технологиялар асосида ривожлантириш масаласи халқаро илмий тадқиқотларда муҳим устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Рақамлаштириш хизмат кўрсатиш субъектлари самарадорлигини ошириш, харажатларни камайтириш ва хизматлар сифатини яхшилашнинг асосий омили сифатида баҳоланмоқда (Vial, 2021). Хусусан, Европа Иттифоқи мамлакатларида хизматлар соҳасида рақамли технологияларни жорий этиш иқтисодий ўсиш, институционал самарадорлик ва барқарор ривожланиш кўрсаткичлари билан узвий боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Электрон хизматлар, рақамли платформалар ва инновацион бошқарув механизмлари хизмат кўрсатиш субъектларининг рақобатбардошлигини оширишга замин яратмоқда (Filipiak, Dylewski, & Kalinowski, 2023).

Хитойнинг Синьцзян вилояти мисолида олиб борилган эмпирик тадқиқотлар рақамли иқтисодиёт элементлари – big data, сунъий интеллект ва онлайн платформалар хизматлар сифатини ошириш, мижозлар қониқишини таъминлаш ва хизматлар

бозорини кенгайтиришга сезиларли таъсир кўрсатишини кўрсатади (Zhao, Mei, & Xiao, 2022).

Шунингдек, хизматлар соҳасида рақамли трансформацияга бағишланган илмий тадқиқотлар сони 2020 йилдан кейинг даврда кескин ошганлиги ҳамда рақамли инновацияларни хизмат кўрсатиш соҳасининг стратегик янгилини ва бозор мослашувчанлигини таъминловчи асосий омил сифатида баҳоланмоқда (Madzík, 2023).

Сўнгги тадқиқотларда инновацион технологиялар, хусусан сунъий интеллектнинг хизматлар соҳаси самарадорлигига таъсири алоҳида таъкидланмоқда. Хусусан, хизмат кўрсатишда сунъий интеллект (AI) технологияларининг қўлланилиши ресурслардан оқилона фойдаланиш, хизмат кўрсатиш тезлиги ва сифатини оширишга хизмат қилишини кўрсатмоқда (Ruiz-Rodríguez, et all., 2025). Дарҳақиқат, сунъий интеллект, булутли хизматлар ва бизнес жараёнларини автоматлаштириш каби инновацияларни қўллаш компанияларга бозордаги ўзгаришларга тез мослашиш имконини беради ҳамда уларнинг барқарорлигини оширади (Никулина, Соболева, 2025). Унинг асосий афзалликлари қаторига эса бизнес жараёнларини оптималлаштириш, маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириш, иш фаолияти ва бошқарув самарадорлигини юксалтириш, шунингдек, киберхавфсизликни яхшилаш жараёнларини киритиш мумкин (Digital India Programme, 2022).

Умуман олганда, хорижий илмий адабиётлар таҳлили рақамли ва инновацион технологияларни жорий этиш хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг муҳим омили эканлигини тасдиқлайди. Бироқ миллий ва ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, айниқса Ўзбекистон хизматлар соҳаси мисолида рақамлаштиришнинг самарадорлигини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар етарлича эмас. Бу эса мазкур йўналишда қўшимча амалий ва иқтисодий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини асослайди.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида иқтисодий-статистик, таққослама ҳамда мантиқий таҳлил усулларидан фойдаланилиб, Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси ва халқаро ташкилотларнинг маълумотлари асосида хизматлар соҳасининг ривожланиш кўрсаткичларининг ўзгариши баҳоланди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши натижасида иқтисодий тизимда сифат жиҳатидан янги босқич – рақамли иқтисодиёт шаклланимоқда. Рақамли иқтисодиёт ҳозирги кунда глобал иқтисодиётнинг банк, чакана савдо, энергетика, транспорт, таълим, наشريёт, оммавий ахборот воситалари ва соғлиқни сақлаш каби қўплаб соҳаларини қамраб олган ҳолда, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартирмоқда. Стационар, мобил ва эфирга узатиладиган тармоқларнинг интеграциялашуви, қурилма ва объектларнинг буюмлар Интернетини орқали ўзаро боғланиши рақамли трансформация жараёнларининг жадаллашувиغا хизмат қилмоқда (OECD, 2015).

Рақамли иқтисодиёт иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери ҳисобланиб, рақобат муҳитини кучайтириш, инвестиция ва инновацияларни рағбатлантириш, хизматлар сифатини ошириш, истеъмолчилар танловини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш учун кенг имкониятлар очади (OECD, 2019). Шу билан бирга, рақамли иқтисодиёт – бу интернет фаолияти, унинг шакллари, усуллари, воситалари ва ушбу жараёндаги ахборот алмашинув муҳитини ўз ичига олган мураккаб тизим сифатида намоён бўлади (Калужский, 2014).

Forrester компаниясининг «2023–2028 йилларда жаҳон рақамли иқтисодиётини ривожлантириш прогнози» ҳисоботида кўра, 2028 йилга келиб жаҳон рақамли

иқтисодиёти ҳажми 16,5 трлн. АҚШ долларига етиб, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 17 фоизини ташкил этади. Ўсишнинг асосий драйверлари сифатида онлайн савдо ва туризм соҳалари қайд этилган бўлиб, уларнинг ўртача йиллик ўсиш суръати мос равишда 9 ва 7 фоизни ташкил этади. Келгуси ўн йилликда яратиладиган янги қўшилган қийматнинг учдан икки қисмидан ортиғи рақамли платформалар ҳиссасига тўғри келиши мумкин. Бу эса мамлакатлардан рақамли бизнесни қўллаб-қувватлаш, давлат хизматларини рақамлаштириш, рақамли кўникмаларни ривожлантириш ҳамда илмий-тадқиқот ишларига инвестицияларни оширишни талаб қилади (International - The Business Times, 2026).

Рақамли ва инновацион технологияларни иқтисодиёт тармоқларига жорий этиш жараёни илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) билан бевосита боғлиқ. 2023 йил якунига кўра, Ўзбекистонда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар сони 289 тани ташкил этган бўлиб, уларнинг 47,4 фоизи давлат секторига, 34,3 фоизи олий таълим муассасаларига, 17,3 фоизи бизнес ва 1,0 фоизи нодавлат нотижорат секторлари ҳисобига тўғри келган. Шу билан биргаликда, мамлакатда ИТТКИ харажатлари ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. Хусусан, ушбу кўрсаткич 2019 йилда 602,3 млрд. сўм бўлган бўлса, 2023 йилга келиб 1389,2 млрд. сўмни ташкил этган, ёки 2,3 мартага ошган.

Корхона ва ташкилотларнинг инновацион ривожланиши технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга йўналтирилган харажатлар билан тавсифланади. Ўзбекистонда 2017–2023 йиллар давомида ушбу харажатлар ҳажми 4162,3 млрд. сўмдан 10616,5 млрд. сўмгача ошган, яъни 2,5 марталик ўсиш қайд этилган. Молиялаштириш манбалари таҳлили шуни кўрсатадики, инновацияларга сарфланган харажатларнинг асосий қисми корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилмоқда. Жумладан, 2023 йилда ушбу харажатларнинг 60,9 фоизи ички маблағлар, 11,7 фоизи чет эл инвестициялари, 17,0 фоизи тижорат банклари кредитлари ва 10,4 фоизи бошқа манбалар ҳисобига тўғри келган¹.

Умуман олганда, олиб борилган таҳлиллар республика иқтисодиётининг турли тармоқларида, жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам инновацион фаолликнинг изчил ўсиб бораётганини кўрсатади. 2024 йилда Ўзбекистон жаҳоннинг Глобал инновацион индекси рейтингига 133 давлат орасида 83-ўринни эгаллади². Таъкидлаш лозимки, аввалги йилларга нисбатан яхши натижалар қайд этилаётганига қарамасдан, ушбу рейтинг кўрсаткичи мамлакатимизда инновацион технологияларни жорий этишни янада кенгайтириш лозимлигидан далолат беради.

Ахборот-коммуникация технологиялари рақамли иқтисодиёт ривожининг асосий таркибий драйвери ҳисобланади. Мамлакатимизда ахборот-коммуникация соҳасида кўрсатилган хизматлар ҳажми 2016–2024 йилларда жадал ўсиш тенденциясига эга бўлган (1-жадвал).

1-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 2024 йилда 2016 йилга нисбатан 8,9 мартага ошган. Ушбу хизматларнинг умумий хизматлар ҳажмидаги улуши эса 6,5 фоиздан 6,9 фоизгача ўсган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 5 октябрда қабул қилинган «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси мамлакат иқтисодиёти, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимини жадал рақамлаштиришга қаратилган бўлиб, замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш, молиявий-иқтисодий фаолият шаффофлигини ошириш, савдо ҳажминини кенгайтириш ва мижозларга хизмат кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш имконини беради (Фармон, 2020).

¹ Ўзбекистон Республикаси Миллий Статистика қўмитаси маълумотлари. <https://stat.uz/>.

² Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш агентлиги маълумотлари. <https://innovation.gov.uz/uz/news/post-1741>.

1- жадвал

Ўзбекистонда ахборот-коммуникация соҳасида кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 2016-2024 йилларда ўсиш динамикаси (Фармон, 2023)

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | | | | |
|---|--------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 | 2024 |
| Кўрсатилган хизматлар ҳажми, трлн.сўм. | 97,1 | 118,8 | 150,9 | 193,7 | 218,9 | 320,9 | 413,5 | 649,8 | 818,4 |
| Ўсиш суръати, ўтган йилга нисбатан, (%). | 123,7 | 122,3 | 127,0 | 128,4 | 113,0 | 146,6 | 128,8 | 157,1 | 125,9 |
| Ўсиш суръати, 2016 йилга нисбатан, (%). | 100,0 | 122,3 | 155,4 | 199,5 | 225,4 | 330,5 | 425,8 | 669,2 | 842,8 |
| Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми, трлн.сўм | 6,3 | 8,2 | 10,3 | 10,9 | 12,9 | 17,7 | 24,5 | 39,1 | 56,2 |
| Ўсиш суръати, ўтган йилга нисбатан, (%). | 121,1 | 130,2 | 125,6 | 105,8 | 118,3 | 137,2 | 138,4 | 159,6 | 143,7 |
| Ўсиш суръатлари, 2016 йилга нисбатан, (%). | 100,0 | 130,2 | 163,5 | 173,0 | 204,8 | 281,0 | 388,9 | 620,6 | 892,0 |
| Алоқа ва ахборотлаш-тириш хизматларининг улуши, %. | 6,5 | 6,9 | 6,8 | 5,6 | 5,9 | 5,5 | 6,0 | 6,0 | 6,9 |

Сўнгги йилларда рақамли технологиялар хизмат кўрсатиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг мазмуни, инновацион хизмат турлари ва бошқарув усуллари тубдан ўзгартирди. Ушбу жараён хизматлар сифатини ошириш, бизнес жараёнларни автоматлаштириш ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда (2- жадвал).

2 – жадвал

Рақамли технологиялар ва уларнинг самарадорликка таъсири

| № | Рақамли технологиялар | Мазмуни | Самарадорликка таъсири |
|----|--|---|---|
| 1. | Сунъий интеллект (<i>Artificial Intelligence</i>). | Инсонга хос бўлган ақл, заковат, фикрлаш ва ижодий ёндашиш жараёнларини амалга ошириш имконини берувчи сунъий технологиялар тўпламидир. | <ul style="list-style-type: none"> - меҳнат умнумдорлигини оширади; - сунъий ақл дастурларидан фойдаланган ҳолда ҳар бир мижозга индивидуал ёндашиш орқали хизмат кўрсатиш сифатини оширади; - янги хизмат турларини яратиш ва уларга талабни ошириш имконини беради; - транзакция харажатларини камайтиради; |
| 2. | Машинани ўрганиш (ўз-ўзини ўрганувчи алгоритмлар) (<i>Machine Learning</i>). | Сунъий интеллектни қўллашнинг энг кенг тарқалган шакли бўлиб, машина(компьютер, робот)нинг инсон аралашувисиз катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш асосида мустақил равишда ажратиш, таҳлил қилиш, башорат қилиш ва хулоса чиқариш қобилияти. | <ul style="list-style-type: none"> - энг мос натижаларни танлаш ва қарор қабул қилиш жараёнини тезлаштиради; - спам маълумотларни филтрлаш ва ўчириш; - инвестициялар жалб этиш бўйича тежамкорлик; - турли йўқотишларни камайтириш; - бюрократик тартибларни қисқартириш. |

| | | | |
|----|---|--|---|
| 3. | Катта маълумотлар (Big Data). | Махсус компьютер технологиялари ёрдамида турли мақсад ва вазифалар учун тўплаш, тақсимлаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш имконини берадиган катта ҳажмдаги маълумотлар массивидир. | <ul style="list-style-type: none"> - тезроқ мулоқот қилиш, мижозлар эҳтиёжларини яхшироқ тушуниш орқали хизмат кўрсатишни аниқ баҳолаш; - талабни аниқроқ баҳолаш қобилияти туфайли бозорга тез мослашувчанлик; - хизмат кўрсатиш сифатини ошириш; - хизмат кўрсатиш фаолиятини оптималлаштириш; |
| 4. | Булутли технологиялар (Cloud Technologies.) | Компьютер ресурслари ва қувватларининг фойдаланувчиларга Интернет хизмати сифатида тақдим этиладиган тақсимланган маълумотларни қайта ишлаш технологияси. | <ul style="list-style-type: none"> - харидор томонидан энг яхши хизматни баҳолаш имконияти; - қурилмани созлаш, хатолар ва узилишлар учун харажатларни камайтириш; - маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш; - ишлаб чиқариш чиқиндиларини камайтириш. |
| 5. | Буюмлар Интернет (Internet of Things). | Инсон аралашувисиз симсиз тармоқ орқали маълумотларни тўплаш ва узатиш имконини берувчи ўзаро боғланган ҳисоблаш қурилмалари тизими. | <ul style="list-style-type: none"> - мижозларнинг хоҳиш-истакларини яхшироқ ўрганиш орқали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш; - маҳсулот(иш ва хизмат)ларни мижозларга тез ва самарали етказиш; - таъминот ва тарқатиш занжирларини яхшироқ ўзаро боғлаш, шунингдек, реал вақт режимида ускуналарнинг носозликларини аниқлаш имконияти орқали харажатларни камайтириш; |
| 6. | Блокчейн (Blockchain). | Ҳар бирида олдинги ва кейинги блоklar ҳақидаги маълумотларни сақлайдиган кетама-кет қурилган рақамли блоklar занжиридан иборат транзакцияларга эга маълумотлар базаси. | <ul style="list-style-type: none"> - молиявий операцияларнинг ишончлилигини ошириш ва харажатларини камайтириш; - шаффофликни ошириш ва фирибгарликни камайтириш; - битимларни воситачиларсиз бир зумда амалга ошириш, ҳужжатларни расмийлаштириш харажатларини камайтириш; - самарадорликни ошириш; |

Манба: тадқиқот натижасида муаллиф ишланмаси.

Сунъий интеллект, машинани ўрганиш, катта маълумотлар, булутли технологиялар, буюмлар Интернет ва блокчейн каби рақамли технологияларни жорий этиш натижасида хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат унумдорлиги ошиши, транзакция харажатларининг камайиши, мижозларга индивидуал ёндашув асосида хизмат кўрсатиш имкониятларининг кенгайиши кузатилмоқда. Ушбу технологиялар нафақат автоматлаштириш, балки бошқарув қарорларини қабул қилиш сифатини яхшилаш ва рақобатбардошликни оширишнинг иқтисодий механизми сифатида намоён бўлмоқда.

Рақамли технологияларни кенг жорий этган хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлиги, аввало, инсон капитали, рақамли компетенцияларга эга кадрлар, катта маълумотлар асосида қарор қабул қилиш ва мижозлар билан интерактив алоқаларни йўлга қўйиш орқали таъминланади. Шу боис, инновацион ва рақамли кўникмаларга эга кадрлар хизматлар соҳасида барқарор ўсишнинг етакчи омилига айланмоқда.

Хулоса ва таклифлар.

Демак, рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши бизнес жараёнлари, бошқарув механизмлари ва хизматлар сифатининг тубдан такомиллашувига олиб келади ва рақобатбардошликни ошириш, транзакция харажатларини камайтириш ва истеъмолчилар эҳтиёжларига мос хизмат турларини кенгайтириш имконини беради.

Ўзбекистонда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига йўналтирилаётган харажатларнинг кўпайиши инновацион ривожланиш учун зарур шароит яратилаётганидан далолат беради. Шунингдек, ахборот-коммуникация соҳасидаги хизматлар ҳажмининг жадал ўсиши рақамли хизматларга бўлган талабнинг барқарор ортиб бораётганини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш, пировардида хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга замин яратади.

Тадқиқот натижалари асосида хизматлар соҳасида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган қуйидаги амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

- хизмат кўрсатиш корхоналарида сунъий интеллект ва Big Data технологияларини жорий этиш орқали мижозларга индивидуал хизмат кўрсатиш тизимларини ривожлантириш;

- давлат ва хусусий сектор электрон хизматлари ҳамда рақамли платформаларини интеграциялаш орқали хизматлар бозорида шаффофликни ошириш;

- рақамли тўлов тизимларини кенг жорий этиш орқали транзакция харажатларини камайтириш ва норасмий иқтисодиёт улушини қисқартириш;

- инновацион хизмат турларини ривожлантириш мақсадида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ва стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш механизмларини кучайтириш;

- хизматлар соҳаси учун рақамли компетенцияларга эга бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Digital India Programme (2022) – URL: <https://www.india.gov.in/digital-india-programme>.

Filipiak, B. Z., Dylewski, M., & Kalinowski, M. (2023). *Economic development trends in the EU tourism industry: Towards the digitalization process and sustainability. Quality & Quantity*, 57(3), 321–346.

International - *The Business Times*. (2026). *International*. [online] Available at: <https://www.businesstimes.com.sg/international>.

Madzík, P. (2023). *Digital transformation in tourism: A bibliometric literature review. Service Industries Journal*, 43(13–14), 985–1006.

OECD (2015) *Digital Economy Outlook 2015*, Published on July 15.

OECD (2019) *General Report on the Activities of the European Union*, 15 February, Brussels, Belgium.

Ruiz-Rodríguez, F., Serra-Cantallops, A., & López-Rodríguez, M. (2025). *Artificial intelligence as a catalyst for service sector efficiency and sustainable growth. Technological Forecasting and Social Change*, 210, 123875.

Vial, G. (2021). *Understanding digital transformation: A review and a research agenda. Journal of Strategic Information Systems*, 30(2), 101–119.

Zhao, X., Mei, X., & Xiao, Z. (2022). *Impact of the digital economy on high-quality development of tourism. Sustainability*, 14(20), 12972.

Калужский М.Л. (2014) *Маркетинговые сети в электронной коммерции*. –М.; Берлин: Директ-Медиа, -402 с.

Никулина О.В., Соболева А.С., (2025). Влияние цифровизации мировой экономики на экономический рост в странах мира (на примере первой пятерки по вкладу в мировой ВВП), *Russian Journal of Management*, 12, №2.

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли фармони, <https://lex.uz/docs/5030957>.

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ- 158-сонли фармони. <https://lex.uz/docs/6600413>.